

# АВТОСАНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ХАРИДОРЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*М. А. Набиев*

*Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси катта ўқитувчиси PhD  
Андижон Қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти*

*Н. Носиров*

*Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит мутахассислиги 2 курс талабаси  
Андижон Қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти*

**Аннотация:** Мақолада автосаноат корхоналарида харидорлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш бўйича мултиф томондан дебиторлик қарзларни молиявий актив сифатида тавсифлаш ва соҳадаги мдолзарб муаммоларни бартараф қилиш бўйича бир нечта самарали ва илмий асосланган усуллар таклиф қилинган.

**Калит сўзлар:** Дебиторлик қарзлар, харидор, даргумон қарзлар, даргумон дебиторлик қарзлар, халқаро стандартлар, молиявий ҳисоб.

Тармоқ корхоналарида тўпланиб қолган дебиторлик қарзларини ўз вақтида бартараф этиш борасида Президентимиз қуйидаги вазифаларни қўйдилар: “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятида 67 минг киши, жумладан, қўштирноқ ичидаги “пул йиғувчилар” мавжуд бўлса-да, нима сабабдан улкан дебитор қарздорликнинг тагига етиб бўлмайдими?”

“Энди муҳим дастурлар, лойиҳа ва вазифалар бўйича қабул қилинган айрим қарорлар ёки умуман реал молиялаштириш манбалари билан таъминланмаган, ёки қолдиқ принципи бўйича молиялаштирилади. Нима сабабдан тўлов интизоми оқсапти? Жами 18 триллион сўмлик дебитор қарзлардан 11 триллион сўми ёки 60 фоизи охириги 3 йил мобайнида чўзилиб келяпти.”

Ушбу қўйилган вазифаларни бажаришда тайер маҳсулотларни сотишда юзага келган дебиторлик қарзлари ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш борасида қуйидаги йўналишлардаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Олинадиган ҳисоблар (дебиторлик қарзлари) ни молиявий актив сифатида тавсифлаш, тан олиш мезонларини белгилаш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботи методологиясини халқаро стандартларга уйғунлаштириш;

2. Корхоналарда дебиторлик қарзларини соф қийматда акс эттириш мақсадида ҳисобот даврининг охирида юзага келган дебиторлик қарзларини баҳолаш асосида илғор усулларга таяниб резерв яратиш, узоқ муддатли дебиторлик қарзларини бугунги кун қийматида ҳисоблаш, амортизацияланадиган қийматда акс эттириш, дебиторлик қарзларининг қадрсизланишидан зарарни ҳисоблаш методикасини жорий этиш;

3. Харидор ва буюртмачиларга шартнома тузишдан олдин уларнинг молиявий ҳолатини ўрганиш тизимини жорий этиш, халқаро стандартларга мувофиқ “шартномалар бўйича активлар” тушунчасини амалда қўллаш;



Ушбу вазифаларнинг ҳал қилиниши олинадиган савдо ҳисобини такомиллаштириш борасида тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Олинадиган савдо ҳисоблари (дебиторлик қарзлар) молиявий ҳисобнинг муҳим объекти ҳисобланади. Халқаро стандартларда савдо ва бошқа олинадиган савдо ҳисоблари (trade and other receivables) тушунчаси киритилган. Халқаро таснифлаш қоидаларига мувофиқ савдо ва бошқа олинадиган савдо ҳисоблари молиявий активлар таркибига киритилган. Олинадиган савдо ҳисоблари (дебиторлик қарзлари) ни ҳисобга олиш қуйидаги МҲҲСлари асосида амалга оширилади:

32-сон МҲҲС “Молиявий инструментлар;

39-сон МҲҲС “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш”

7-сон МҲҲС “Молиявий инструментлар: ахборотларни очиқлаш”

15-сон МҲҲС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар”

АҚШлик олим Р. Либби олинадиган савдо ҳисоблари қисқа вақт ичида келиб тушиши кутилаётган қарзларни киритган ҳолда, уларни савдо ва бошқа турларига бўлишган. Савдо тури бўйича олинадиган савдо ҳисоблари бизнеснинг нормал курсида товар ва хизматларни кейинчалик тўлаш шартли (кредит) билан сотиш натижасида юзага келишини, бошқа дебиторлик қарзлари эса нормал бизнес фаолиятдан ташқари ҳолларда юз берган операциялар асосида амалга ошишини қайд қилишган.

О. В. Попова “Бухгалтерский учет” журналидаги мақоласида “Агарда товарлар (иш, хизматлар) ни жўнатиш факти вақт бўйича унинг учун олинадиган пул савдолари билан мувофиқ келмаса дебиторлик қарзлари юза келади.

Дебиторлик қарзлари гражданлик ҳуқуқи нуқтаи назаридан мулк ҳуқуқи, яъни маълум пул савдолари (товар, хизматлар ва ҳақозо) олишга бўлган ҳуқуқ ҳисобланади”

Манбаларда “дебиторлик қарзи бу ташкилотнинг жўнатилган товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун белгиланган суммаси бўлиб, қайсики компания ўзининг мижозларидан уни олиш ҳуқуқига эга. Дебиторлик қарзлари, агарда уларни тўлаш муддати бир йилдан кам бўладиган бўлса жорий актив ҳисобланади, агарда тўлов муддати бир йилдан ортиқ бўладиган бўлса узок муддатли актив ҳисобланади. Дебиторлик қарзлари савдо ва носавдо қарзларга бўлинади. Савдо дебиторлик қарзлари бизнеснинг одатдаги фаолияти бўйича юзага келади, қачонки товар ёки хизматлар кейинчалик тўлаш шартли билан жўнатилган бўлса. Носавдо дебиторлик қарзлари бу одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмайди”.

“Дебиторлик қарзи деганда, алоҳида фуқаролар, ташкилотлар ва бошқа дебиторларнинг ушбу корхона олдидаги мажбуриятларининг пулдаги ифодаси тушунилади. Дебиторлик қарзлари хўжалик операциялари, одатда товарлар, маҳсулотлар, иш ва хизматларни реализация қилиши амалга ошиши натижасида юзага келади”

А. Д. Аликина томонидан қуйидагича таъриф берилди: “Дебиторлик қарзи – бу корхонага жисмоний ёки юридик шахслардан ўзаро бир-бири билан муносабатларида юзага келадиган корхона фойдасига ҳисобланадиган қарзлари суммасидир. Одатда бундай қарзлар кредитга сотиш ҳисобидан юзага келади. Дебиторлик қарзлари суммасининг кредиторлик қарзлари суммасидан ошиши ташкилотларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Корхоналар бухгалтерия ҳисобида даргумон дебиторлик қарзлари контрагент томонидан тўлангунга қадар ёки даргумон қарз сифатида ҳисобдан чиқарилгунга қадар ҳисобда туради.”

Е. С. Ракитина, Е. В. Коваленко “...дебиторлик қарзлари концепцияси ташкил топади: мижозларнинг қарзлари, шу жумладан, харидорларнинг жўнатилган маҳсулотлар ёки хизматлар ҳажмининг бир қисми учун қарзлари, пудратчилар ва таъминотчиларга тўланган аванслар, молиялаштиришнинг масъул жавобгарликдаги суммалари, қайсики ҳисобдор шахсларга турли



хил эхтиёжлар учун узатилган: зарур материалларни харид қилиш ва бошқа қарзлар, ташкилот ходимиға берилган кредитлар ва қарзлар”

Халқаро стандартлар дебиторлик қарзларини соф қийматда акс эттиришни талаб этади. Бунинг учун эса йил охирида мавжуд бўлган дебиторлик қарзларидан қанча қисмининг олиними гумонли (даргумон ёки шубҳали) эканлигини баҳолаш керак бўлди. Соҳага доир адабиётларда гумонли қарзларни баҳолаш асосида резерв яратиш кўзда тутилганлигини қайд этишган. 32, 39-сон БҲХС ва 7, 9-сон МҲХСларида эса “дебиторлик қарзларининг кадрсизланишидан зарар”. Ушбу тартибга мувофиқ дебиторлик қарзларининг соф қийматини қуйидагича аниқлаш мумкин:

Дебиторлик қарзларининг соф қиймати = Дебиторлик қарзларининг баланс қиймати – дебиторлик қарзларининг кадрсизланишидан зарар (3.5)

Хорижий адабиётларда дебиторлик қарзларининг кадрсизланишидан зарарни иккита усулларда баҳолаш услубиёти келтирилган: 1) соф сотиш ҳажмига нисбатан фоизларни белгилаш асосида ҳисоблаш усули; 2) дебиторлик қарзларининг қолдиғига нисбатан ҳисоблаш усули.

Биринчи усулда даргумон қарзлар суммаси соф сотиш, яъни кейинчалик тўлаб бериш шарти билан қарзга сотилган тайёр маҳсулотлар ҳажмига нисбатан фоизлар белгиланади. Бу усулни 100% олдиндан тўловлар ёки нақд пулга сотиш ҳажми катта бўлмаган ҳолларда қўлланиладиган бўлса, базис кўрсаткич сифатида соф сотиш ҳажмини олиш мумкин. Ушбу формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$= (3.6)$$

Бу ерда,

- Даргумон дебиторлик қарзларининг баҳоланган суммаси;

ҚС – Кейинчалик тўлаш шарти билан қарзга сотилган тайёр маҳсулотлар суммаси; ёки СС – соф сотиш суммаси;

- Даргумон дебиторлик қарзларини баҳолаш фоизи.

Иккинчи усул, яъни дебиторлик қарзларининг қолдиғига нисбатан ҳисоблаш усули дебиторлик қарзларини ҳар бирини ёки категориясини баҳолашга асосланади. МҲХСларга ўтиш шароитида автомобилсозлик корхоналарида ушбу усулнинг қўлланилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Буни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$= - (3.7)$$

- Даргумон дебиторлик қарзларининг баҳоланган суммаси;

- Ҳисобот даврининг бошида дебиторлик қарзлари;

- Даргумон дебиторлик қарзларини баҳолаш фоизи;

- Ҳисобот даврининг бошида (баҳоланган сумма аниқлангунга қадар) даргумон дебиторлик қарзлари захирасининг кредит қолдиғи;

- Ҳисобот даврининг бошида (баҳоланган сумма аниқлангунга қадар) даргумон дебиторлик қарзлари захирасининг дебет қолдиғи.

Ушбу усулнинг қўлланилишини дебиторлик қарзларини категорияларга ажратиб, баҳолаш тартибини кўриб чиқайлик (3.11-жадвал).



## 3.11 жадвал

Автосаноат корхонасининг тайёр маҳсулотлар сотилиши бўйича даргумон дебиторлик қарзларини категорияларга ажратилган дебиторлик қарзлари қолдиғига нисбатан фоиз асосида ҳисоблаш усули<sup>1</sup> (минг сўм)

Дебиторлик қарзларининг кунлар бўйича сўндирилишининг эҳтимоли	Ҳисобот даврининг охирида дебиторлик қарзлари суммаси	Даргумон дебиторлик қарзларини баҳолаш фоизи	Даргумон дебиторлик қарзларининг баҳоланган суммаси
Шартномада белгиланган муддатгача тўланиши кутилаётган қарзлар	77672384	0.2%	155344,7
Шартномада муддати ўтгандан кейин 1-10 кунгача тўланиши кутилаётган қарзлар	10024489	0.7%	70171,4
Шартномада муддат ўтгандан кейин 11-20 кунгача тўланиши кутилаётган қарзлар	2877144	2%	57542,9
Шартномада муддати ўтгандан кейин 21-30 кунгача тўланиши кутилаётган қарзлар	1925400	5%	96270
Шартномада муддати ўтгандан кейин 31-60 кунгача тўланиши кутилаётган қарзлар	1600450	10%	160045
Шартномада муддати ўтгандан кейин 61-90 кунгача тўланиши кутилаётган қарзлар	1400300	40%	560120
Шартномада муддати ўтгандан кейин 90 кундан ортиқ тўланиши кутилаётган қарзлар	404633,8	50%	202316,9
<b>Жами</b>	<b>95904800,8</b>		<b>1301810.9</b>
Ҳисобот даврининг бошида (баҳоланган сумма аниқлангунга қадар) даргумон дебиторлик қарзлари бўйича кредит қолдиқ			248942.5
<b>Даргумон дебиторлик қарзларининг баҳоланган суммаси</b>			<b>1052868.4</b>

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, дебиторлик қарзларининг соф қиймати  $95904800.8 - 1052868.4 = 94851932.4$  минг сўмга тенг, қайсики ушбу сумма бухгалтерия балансида акс эттирилади.

Амалдаги тартибида даргумон қарзлар бўйича захира фақат харидор ва буюртмачилар бўйича яратилиши кўзда тутилган. Бизнинг фикримизча, даргумон қарзларни баҳолаш нафақат харидор ва буюртмачилар билан савдо дебиторлик қарзлари бўйича, балки барча савдо ва носавдо дебиторлик қарзлари бўйича ҳам даргумон қарзлар баҳоланиши лозим. Дебиторлик қарзлари юқорида таъкидлаганимиздек, бошқа ташкилот ва шахсларнинг қарзлари бўлиб, ҳар қандай қарзнинг қайтарилиши риск билан боғлиқ. Шунинг учун ҳар қандай қарзда

<sup>1</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси



кайтарилмаслик rischi эҳтимоллик асосида баҳоланиши лозим. Шу нуктаи назардан, 4900 “Даргумон қарзлар бўйича захира” сечининг таркибида қуйидаги сечларни очишни таклиф этамиз:

- 4910 “Харидор ва буюртмачилар бўйича даргумон қарзлари захираси”
- 4920 “Ажратилган бўлинмалар бўйича даргумон қарзлари захираси”
- 4930 “Шўъба ва қарам хўжаликлар бўйича даргумон қарзлари захираси”
- 4940 “Ходимларга берилган бўнақлар бўйича даргумон қарзлари захираси”
- 4950 “Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича даргумон қарзлари захираси”
- 4960 “Бошқа жорий дебиторлик қарзлари бўйича даргумон қарзлари захираси”
- 4970 “Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари бўйича даргумон қарзлар захираси”

Даргумон дебиторлик қарзлари бўйича захира ҳисобини юритишнинг амалдаги тартиби ва уни такомиллаштириш бўйича таклифларни қуйидаги 3.12-жадвалда акс этираамиз.

### 3.12-жадвал

**Автосаноат корхоналарида даргумон қарзлар бўйича захира ҳисоби бўйича бухгалтерия ёзувлари**

Хўжалик муомалаларининг мазмуни	21-сон БҲМС		Таклиф этилади	
	Д-т	К-т	Д-т	К-т
1. Даргумон қарзлар бўйича резерв ташкил қилинди (Таклиф этилади: ҳисобот даврининг охирида дебиторлик қарзларининг даргумон қарзлар деб баҳоланган суммасига (дебиторлик қарзларининг қадрсизланишидан зарар суммасига))	9430	4910	9430	4910-4970
2. Харидор ва буюртмачиларнинг қарзлари даргумон қарзлар бўйича резерв ҳисобига ҳисобдан чиқарилди (Таклиф этилади: Дебиторлик қарзлари даргумон қарз сифатида эътироф этилганда)	4910	4010, 4020	4910 - 4970	4010, 4020, 4110, 4120, 4200, 4300, 4600,4700, 4800
3. Даргумон қарзлар бўйича резервлар суммасининг ишлатилмаган қисмининг улар ташкил этилган йилдан кейинги йилнинг фойдасига қўшилиши	4910	9390		

Бундан ташқари амалдаги бухгалтерия балансида дебиторлик қарзлари савдо ва носавдо дебиторлик қарзларига ажратилмаган. Биз бухгалтерия балансида дебиторлик қарзларини савдо ва носавдо дебиторлик қарзларига ажратиб, уларни савдо дебиторлик қарзларини соф қийматда акс этириш мақсадида ҳар бир моддасидан даргумон дебиторлик қарзларини айиришни таклиф этамиз. Ушбу таклифларни инобатга олган ҳолда бухгалтерия балансида тайёр маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ савдо дебиторлик қарзларини таркибини қуйидагича акс этираамиз (3.13-жадвал)

### 3.11-жадвал

**Бухгалтерия балансида савдо ва бошқа (носавдо) дебиторлик қарзларини акс этириш тартиби<sup>2</sup>**

Амалдаги шаклда баланс моддалари	Сатр коди	Таклиф этилаётган баланс моддалари	Сатр коди
I. Узоқ муддатли активлар		I. Узоқ муддатли активлар	

<sup>2</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси



Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910-0940)	110	Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910-0940 дан 4970 нинг айирмаси)	110
Шундан муддат ўтган	111	Шундан муддат ўтган	111
<b>II. Жорий активлар</b>		<b>II. Жорий активлар</b>	
Дебиторлар жами (сатр 220+230+240+250+260+270+280+290+300)	210	Дебиторлар жами (сатр 220+290+300+310+320+330)	210
Шундан: муддати ўтган	211	Шундан: муддати ўтган	211
		<b>Савдо дебиторлик қарзлари (230+240+250+260+270+280)</b>	220
Харидорлар ва буюртмачилар қарзи (4000 дан 4910нинг айирмаси)	220	Харидорлар ва буюртмачилар қарзи (4000 дан 4910нинг айирмаси)	230
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230	Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110 дан 4920нинг айирмаси)	240
Шўба ва қарам хўжаликлар қарзи (4120)	240	Шўба ва қарам хўжаликлар қарзи (4120 дан 4930нинг айирмаси)	250
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	250	Ходимларга берилган бўнақлар (4200 дан 4940нинг айирмаси)	260
		Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700 дан 4950нинг айирмаси)	270
		Бошқа дебиторлик қарзлари (4800 дан 4960нинг айирмаси)	280
		<b>Носавдо дебиторлик қарзлари</b>	290
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар (4300)	260	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар (4300)	300
Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	270	Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	310
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500)	280	Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500)	320
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290	Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	330
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300		
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310		



Ушбу бухгалтерия балансида дебиторлик қарзларининг таркиби бир қанча хусусиятлари билан ажралиб туради. Ушбу балансида дебиторлик қарзлари савдо ва носавдо дебиторлик қарзларига ажратилган. Бундан ташқари савдо дебиторлик қарзларининг ҳар бир моддасини соф қийматда акс эттириш мақсадида ҳар бир тури бўйича даргумон қарзлар захирасини яратиш ва уни балансида акс эттирилиши халқаро стандартларга мувофиқлаштиришдаги маълум қадам бўлиб хизмат қилади.

Учинчи боб бўйича хулоса. Диссертация ишида автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган тушумлар ва харидорлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби масалаларининг тадқиқ қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Халқаро молиявий ҳисоботнинг 2018 йил январдан жорий қилинган янги концептуал асосларидаги ўзгаришларни тадқиқ қилиш асосида тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадларнинг такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди. Бунга кўра, даромадларга “ҳисобот даврида ташкилотнинг молиявий-хўжалик фаолиятини юритиши оқибатида хусусий капиталга эгалик ҳуқуқига эга шахсларнинг қўшимча капитал киритишидан ташқари активларнинг кўпайиши, сифатининг яхшиланиши, ёхуд мажбуриятларнинг камайиши кўринишидаги иқтисодий нафнинг олиниши натижасида хусусий капиталнинг кўпайишидир” деб таъриф берилди. Ушбу таъриф даромадларнинг барча хусусиятларини ўзида мужассамлантиради ҳамда концептуал асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

2. 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандартига мувофиқ тушумларни тан олишнинг бешта босқичи: 1. Шартномаларни идентификация қилиш; 2. Шартномалар бўйича бажарилишларга оид мажбуриятларни идентификация қилиш; 3. Операция нархини аниқлаш; 4. Операциялар нархини шартномалардаги бажарилишларга оид мажбуриятларга тақсимлаш; ҳамда 5. Тушумни тан олишга мувофиқ амалий мисолларда автосаноат корхоналарида шартномалар бўйича тушумларни тан олишнинг услубий тартиби ишлаб чиқилди. Ушбу услубий тартиб тушумларни ишончли ва объектив тан олиш ҳамда 15-сон МҲХСни жорий қилиш имкониятини беради.

3. Тадқиқотлар асосида автосаноат корхоналарида тушумни энг эҳтимолли миқдор методи ёрдамида ҳисобга олиш услубиёти ҳамда GM Uzbekistan автосаноат корхонасига таклиф этилган 15-МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандартига мувофиқ тушумни келтирилган қиймат асосида баҳолашнинг услубий тартиби тушумлар ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

4. Автосаноат корхоналарида сотилган тайёр маҳсулотлар таннархини аниқлаш усуллари, автосаноат корхоналарида тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган тушумларни ва тайёр маҳсулотларнинг сотилиши жараёнларини ҳисобга олиш учун счетлар ҳамда уларни қўллаш бўйича бухгалтерия ёзувлари ишланмалари таклиф этилди. Ушбу ишланмалар тайёр маҳсулотлардан олинган тушумларни тўғри ҳисоблаш имкониятини беради.

5. Автосаноат корхоналарига харидорларга сотишдан чегирма тақдим қилинган ҳолларда тушум суммасини энг эҳтимолли миқдор методи ёрдамида аниқлаш бўйича таклиф этилган ҳисоб-китоблар соф тушум суммасини тўғри ҳисоблаш ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда реал ахборотларни акс эттириш имкониятини беради.

6. Автосаноат корхоналари мисолида дебиторлик қарзлари тушунчасининг тадқиқ этилиши, дебиторлик қарзларининг соф қийматини аниқлаш услубиёти, даргумон дебиторлик қарзларини баҳолаш усуллари, жумладан, категориялари бўйича дебиторлик қарзларининг қолдиғига нисбатан фоиз асосда ҳисоблаш усули, даргумон қарзлар бўйича захираларни ҳисобга олиш бўйича таклиф қилинган счетлар тизими ва бухгалтерия ёзувлари ишланмалари



ҳамда бухгалтерия балансини такомиллаштириш бўйича таклифлари ҳисоб ва ҳисоботнинг шаффофлигини оширишга хизмат қилади.

Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган тушумларни 15-МҲХС “Харидорлардан шартномалар бўйича тушумлар” стандартига мувофиқ ташкил этишга, ҳисоб маълумотларнинг сифатининг ошишига олиб келади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори. 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли Қарорига илова.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 2018 йил 3 март. 158-сон
3. Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. Т.: 2016. 42-б.;
4. Дусмуратов Р.Д., Менгликулов Б.Ю. Реформа бухгалтерского учета в Узбекистане: опыт, проблемы и перспективы. // Ж. Экономика и бизнес: теория и практика. -2016.- №10. –С.35-40.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 2014 йил 6 май. <http://www.lex.uz/docs/2382409>.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 2016 йил 14 апрель. <http://www.lex.uz/acts/2931253>.

